

а) “Таъминотчи” дан у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва окова сувни чиқариш хизматларининг узлуksиз амалга оширилишини, ўз хаёти ва соғлиғига, мулкига хавф туғдирмайдиган даражадаги сифат ва миқдорда ичимлик сув берилишини талаб қилиш;

б) “Таъминотчи” дан ҳисоблаш қурилмасини ўрнатиш, ўрнатилган тартибда уни “Истеъмолчи” (суб-истеъмолчи) ҳисобидан амалга оширишни талаб қилиш;

в) тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва окова сув тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун “Таъминотчи” дан қонунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;

г) “Таъминотчи” ни шартномани бекор қилиш тўғрисида унинг бекор қилинишидан камида 15 кун олдин огоҳлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки окова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлик амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;

д) ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани (шахсан ёки ўз вақили орқали) бепул олиш;

е) “Таъминотчи” дан ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;

ё) ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида “Таъминотчи” дан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;

ж) Давлат санитария-эпидемиология маркази органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик суви билан таъминланмаганлик (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аниқланган даврдан у тегишли даражага олиб келинган вақт) учун қайта ҳисоб-китоб амалга оширилишини талаб қилиш.

3.2. “Истеъмолчи”нинг мажбуриятлари:

а) шартнома шартларини бажариш;

б) ўзининг ҳудудида жойлашган ва уларга тегишли бўлган коммунал сув ва окова тармоқлари ва қурилмаларининг мувофиқ равишда кўрикланишини, уларга сув тошиши ёки шикастланишига, музлаб қолишига йўл қўймаслик, қудук қопқоқларини қор ва муздан тозалаш, Бюро ва “Таъминотчи” томонидан ўрнатилган тамгаларнинг бутлигини назорат қилиш, қудуклардан юза оқоваси мавжудлигини таъминлаш, ёнгина қарши гидрантларга ўтиш йўлларини бекитмаслик, кўрсатилган ёнгина қарши гидрантларнинг кўрсаткичлари яхши ишлашини назорат қилиш;

в) “Истеъмолчи” ҳудудида ёки унинг тасарруфидаги сув қувури, окова тармоқлари ва қурилмаларининг устига турли буюм ва материалларнинг йиғилишига ҳамда сув қувури, окова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан иншоотлар қурилмаслигини, шу жумладан, ташки (қўча ва квартал

ичидаги) сув қувури, окова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан иншоотлар қурилишига йўл қўймаслик;

г) коммунал сув қувури, окова тармоқлари ва қурилмаларининг транзит нуқталарида ҳар қандай шикастланиш, бузилишлар ҳақида зудлик билан “Таъминотчи” ни хабардор қилиш;

д) сувни ҳисобга олиш приборларида яқол кўриниб турган носозликлар, шунингдек тамгани бутлигига шикаст етган ёки узиб ташланганлиги тўғрисидаги ҳолат аниқланганда ҳамда ҳисобга олинмаган ёнгина қарши гидрантлар мавжудлиги ҳақида дарҳол ёзма равишда ёки алоқа тармоқлари (факс, электрон почта) орқали “Таъминотчи” ва Бюрога хабар бериш;

е) “Таъминотчи” билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ ёзиб олиш ва ушбу кўрсаткичларни “Таъминотчи”га жорий ойнинг охириг кунидан кечикмаган ҳолда маълумотларни тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш;

ё) шартномада белгиланган миқдордан ортик ҳажмда сувни сарф қилинишига ва окова сувларининг меъёрдан ортик чиқарилишига йўл қўймаслик;

ж) “Таъминотчи” ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқова ҳўжалигидаги банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиш;

и) “Таъминотчи”га тегишли бўлган ёки унинг ҳудудида жойлашган сув ва окова тармоқлари, қурилма ва мосламаларини лозим даражадаги техник эксплуатациясини таъминлаш;

й) ишлаб чиқариш оқова сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва улардаги ифлосланиш концентрациясини меъёр кўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;

к) окова тармоғига туширилувчи сувларнинг сифатининг мониторингини таъминлаш;

л) “Истеъмолчи” ҳудудида жойлашган сув ўлчаш тармоғи, коммунал сув ўтказиш ва окова тизимларида ҳар қандай ишларнинг бажарилишига бегона шахсларни қўймаслик;

м) жамоат сув ва каналзация тизимлари объектларига шикаст етказган “Истеъмолчи” дарҳол “Таъминотчи”га хабар бериши ва етказилган зарарни қоплаш учун “Таъминотчи” техник назорати остида ўзи етказилган шикастланишни бартараф этиш ва беҳуда сарф қилинган сув нархини тўлаши шарт.

3.3. “Таъминотчи”нинг ҳуқуқлари:

а) “Таъминотчи” қуйидаги ҳолларда, истеъмолчини 5 кун аввал хабардор қилган ҳолда, сув узатишни ва сув чиқаришни тўлик ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эга;

б) “Истеъмолчи” ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги сув узатиш ва окова тармоқлари, мослама ва қурилмаларининг техник ҳолати коникарсиз ҳолатда бўлса ва “Истеъмолчи” техник фойдаланиш қоидаларини